



Азиз сайловчилар! Сайловда келажак учун овоз берилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сизнинг мақсадларингизни, орзу интилишларингизни рўёбга чиқариш учун курашади. Сизнинг танловингиз биз учун муҳим аҳамиятга эга.

Келажак сари Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан бирга қадам ташланг!


Мамлакатимизда сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида чуқур демократик ўзгаришлар амалга оширилди.

Конституциямизнинг 117-моддасига киритилган сўнги тузатишларга мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясини демократик асосда шакллантириш тизими ва шунингдек, унинг асосий фаолият, принциплари конституциявий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловларни ташкил этиш учун масъул бўлган сайлов органларининг бутун тизими мустақиллигининг кафолатлари кучайтирилди.



Саниер ШОТУЛАГАНОВ олган сурат.



2014 йил — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Мустақиллик — менинг тақдиримда

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан «Мустақиллик — менинг тақдиримда» ижодий фестивалининг якуний босқичи ўтказилди.

Ўсиб келаётган навқирон авлодни буюк аждодларимизга муносиб, ҳар жиҳатдан етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, иқтисод ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилётган кенг қўламли ислохотларда устувор аҳамият касб этмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган фестивалда мамлакатимиздаги 211 «Баркамол авлод» болалар марказлари тўғрисидаги 10 миңга яқин ўқувчиси фаол қатнашди. 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўғил-қизлар техника, ўлкашунослик ва экология, тасвирий санъат, либослар дизайни йўналиши бўйича ўз бил ва маҳоратини намойиш этди.

— Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, бахтиёр ва фаровон ҳаёт бизнинг энг катта бойлигимиз, — дейди Қўқон шаҳридаги 13-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Шохрух Ҳамиджонов. — Фестивалда тасвирий санъат йўналиши бўйича қатнашиб, мустақил Ватанимизнинг обод шаҳар ва қишлоқлари, болаларнинг бахтли онлари, биз — ўқувчи-ёшларга яратилган улкан шароит ва гамҳўрликлар акс эттирилган туркум расмларини тақдим этдим. Бу каби ижодий фестиваллар Ватанимизнинг, истиқлолимизнинг, унинг улғў неъматларининг қадр-қимматини янада тараққий англашга, уларни кўз қорачигидек асраб-авайлашга ундайди.

Фестивалда ижодий ишлари энг яхши деб топилган ўқувчиларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Сайловолди ташвиқоти қонунга мувофиқ амалга оширилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти даврида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши мониторинги натижалари муҳокама этилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарган ушбу мажлисда халқаро кузатувчилар, мамлакатимиз сиёсий партиялари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон сайлов қонунчилигига асосан барча сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга адолатли, очик ва ошкора сиёсий рақобатлашиш учун тенг имконият ҳамда шароитлар яратилгани таъкидланди.

Сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар шу йилнинг 15 ноябидан ўз сайловолди дастурларини, мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир позицияларини сайловчилар ва кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган сайловолди ташвиқотини бошлади.

Сайловолди ташвиқоти даврида сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар барча оммавий ахборот воситаларида алифбо тартибида чиқиш қилмоқда. Ушбу тартибга мувофиқ Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг материаллари эълон қилинмоқда.

Мажлисда сайловолди ташвиқоти бошлангандан буён ўтган давр мобайнида сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар томонидан қонунчиликни бузиш ҳолатлари қайд этилмагани таъкидланди.

Сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» теле ва радиоканалларида прайм-тайм вақтида чиқиш

жадвалига риоя қилинмоқда. Бундан ҳар бир партияга бир хил эфир вақти, яъни ҳафтасига теле ва радиоэфир учун 238 дақиқадан (жумладан, кўрсатув учун 2 марта 15 дақиқадан), сиёсий партиялар етакчиларига эса 5 дақиқадан вақт ажратилган. Партияларнинг теле ва радиороликлари беш дақиқали (ҳар бир партия учун 75 сониядан) ва икки дақиқали блокларда (30 сониядан) эфирга узатилмоқда.

Бундан ташқари, сиёсий партиялар вакиллари, депутатликка номзодлар теледебатлар ўтказмоқда.

Маҳаллий теле ва радиоканалларда партияларнинг роликлари ягона блокда кунига икки марта эфирга беришмоқда. Сиёсий партияларнинг вилоят органлари раҳбарлари ва маҳаллий Кенгаш депутатлигига номзодларнинг чиқишлари учун 5 дақиқа, партия фаоллари, депутатликка номзодлар иштирокидаги кўрсатув ва эшиттиришларга 15 дақиқа вақт ажратилган. Ҳар бир сиёсий партия ва депутатликка номзодлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида маҳаллий теле ва радиоканалларда ҳафтасига жами

900 дақиқадан ортиқ эфир вақтидан фойдаланилмоқда. «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарининг ҳар сонида кўрсатув учун 2 марта 15 дақиқадан, сиёсий партиялар етакчиларига эса 5 дақиқадан вақт ажратилган. Партияларнинг теле ва радиороликлари беш дақиқали (ҳар бир партия учун 75 сониядан) ва икки дақиқали блокларда (30 сониядан) эфирга узатилмоқда.

Сайловолди ташвиқоти кампаниясида ташқи рекламадан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида 1212 махсус конструкция, 25 электрон мониторда ягона блокда сиёсий партияларнинг 30 сониялик роликлари намойиш этилмоқда.

Мажлисда 21-Бухоро, 34-Навоий ва 126-Темирйўлчилар округ сайлов комиссиялари раисларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайловни ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ИНСОН ОМИЛИ БОШ МЕЗОН

Мамлакатимизда Халқаро ноғиронлар кўни муносабати билан 30 ноябрдан 30 декабрга қадар Меҳр-мурувват ойлғи ўтказилмоқда.

Мазкур ойлқ доирасида ноғиронларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида турли ҳуқуқий-тиббий, ижтимоий, маънавий-маърифий, маданий лойиҳалар, акциялар ташкил этилмоқда.

Туман ва шаҳарларда бўлиб ўтаётган ноғиронларга бепул юридик маслаҳат хизматлари кўрсатиш акциясида қарийб миң нафар имконияти чекланган инсонни қамраб олиш режалаштирилган. Бундан қўзланган мақсад мамлакатимизда ноғиронларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофазалаш бўйича яратилган қонуний асосларни ҳаётга кенг татбиқ этиш, бу борада давлат томонидан берилган имтиёزلардан ноғиронларнинг баҳраманд бўлишини таъминлашдир.

Шунингдек, ойлқ доирасида ноғиронларга реабилитация ва ортопедия воситаларини етказиб бериш борасида ҳам махсус лойиҳа амалга оширилди. Лойиҳа давомида 190 ноғиронга аравача, 965 нафар ноғиронга эшитиш мосламаси, 4 миң донна ҳасса, 3,8 миңга қўлтиқ-таёқ ҳамда 4 миңга яқин кўзи оғирлар учун махсус йиғма ҳасса бепул ажратиш режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз.

Сардор ТОЖИБЕВ, ЎЗА мухбири.

БУГУНГИ ИЗЛАНИШ — ЭРТАНГИ КАШФИЁТ

3

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОД

ҳаётини муаммоларни қанчалик чуқур тушунади, уларни қандай йўللар билан ҳал этмоқчи?

www.uzbekistonovozi.uz

Биз «Ўзбекистон овози» газетаси мухлисимиз

Узоқ йиллардан буён одамларга хат-хабар, газета-журналлар тарқатаман. Қўлимдан қанчалаб газеталар ўтади. Шу ўринда алоҳида таъкидлашни истардим. «Ўзбекистон овози» ўзининг ижтимоий-сиёсий мавзулардаги таҳлилий мақолалари билан алоҳида ажралиб туради.

Яқинда бир гуруҳ ўқитувчилар шу йил 21 декабрда ўтказилган сайлов тўғрисида баҳслашиб қолди. Улардан бири «Баҳсга жавобни шу газетадан топамизда», дея қўлимдаги газета таҳлиллари орасидан «Ўзбекистон овози»ни олди. Газета тарқатиш мажбурияти юзасидан жойларда бўлганимда бундай воқеаларга кўп дуч келганман. «Ўзбекистон овози»нинг халқ ичиди, айниқ-айниқ ўқитувчи ва шифокорлар орасида ўз ўрни бор. Шу боис бўлса керак, обуначилар қаторида ҳам мазкур соҳа вакиллари кўпчиликти ташкил қилади. Биз ҳам оиламиз билан «Ўзбекистон овози»нинг мухлисимиз. Газетадаги «Ижтимоий муҳофаза», «Муносабат», «Долзарб мавзу», «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари», «Истиқлол имкониятлари» каби рунлардаги ҳамда партия ҳаёти ва спорт мавзусидаги мақолалар билан доимий танишиб борамиз.

Ўйлаймизки, 2015 йилда газета мазмун-мундарижаси янада яхшиланади, муштарийлар қалбидан ўрин оладиган янги-янги рунлар очилади.

Йўлдош БОЙҚУЛОВ, Самарқанд вилоят «Матбуот уюшмаси» масъулияти чекланган жамияти Каттақўрғон туман участкаси бошлиғи.

2015

Обуна давом этмоқда

«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури қай даражада самара бермоқда? Уни такомиллаштириш бўйича қандай ишлар амалга оширилди?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари ана шу ва бошқа саволларимизга жавоб берди.

Мазкур суҳбат тафсилотлари билан газетамизнинг келгуси сонларидан бирида танишасиз.

Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини ошириш, унинг ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар учун мақбулликни таъминлаш, дори-дармон воситаларига нарх қўйиш устидан давлат назоратини кучайтириш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.



Фарукх АЛИЕВ олган сурат.

Кашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, 114-Қамаши сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Умида ГАЗИЕВА билан суҳбатимиз партияимизнинг Сайловолди дастурида белгиланган масалалар мазмун-моҳияти, электротар вакиллари манфаатларини ҳимоя қилишдаги аҳамиятига бағишланди.

— Тиббиёт ходими сифатида ўз сайловолди дастуридаги таъминнинг қайси йўналишларини ривожлантиришга эътибор қаратгансиз?
— Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини изчил ислоҳ қилиш натижасида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг яхлит замонавий инфратузилмаси шакллантирилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда, ўз дастурида қишлоқ врачлик пунктларида тиббий хизмат сифатини яхшилаш, фаолиятини такомиллаштириш, жисмоний имконияти чеklangан кишилар ва бошқа тоифаларга имтиёз асосида берилмайдиган дори воситалари рўйхатини кенгайтириш, фармацевтика корхоналари ва дориҳона муассасалари фаолияти, дори воситалари ва тиббий анжуманлар нархлари устидан давлат назоратини кучайтириш, дори воситалари рекламасини тақиқлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиб каби масалаларга алоҳида эътибор қаратганман.

Ҳозирда менинг номзодим қўйилган сайлов округида 150 мингдан ортиқ сайловчи бор. Улар билан учрашувлар даво-

мида одамларни ўйлантираётган, соҳада ечимини кутаётган масалаларга алоҳида эътибор қаратаётганман.

Бугунги кунда Қамаши туманида истиқомат қилаётган 200 минг нафардан зиёд аҳолига 16 та қишлоқ врачлик пункти хизмат кўрсатмоқда. Улар барча замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Партияимиз Сайловолди дастурида биринчи тиббий ёрдамдан қулай ва тезкор фойдаланиш, айниқса, олис қишлоқлар аҳолиси учун биринчи тиббий ёрдам тармоғини кенгайтириш масаласи алоҳида кўрсатилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, чекка ҳудудларда тез тиббий ёрдам постларини ташкил қилиш масаласининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш лозим, деб ҳисоблайман. Бундан ташқари, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш лозим, деб ўйлайман.

Бугунги кунда тиббиёт соҳасидаги энг муҳим масалалардан бири — бу малакали кадрлардир. Ҳозирда республика бўйича ҳар ўн минг аҳолига 23 нафар врач тўғри келади. Аммо бу рақам барча ҳудудларда бир хил эмас. Мазкур кўрсаткич Кашқадарё вилоятида 17,8, Қамаши туманида эса 11,2 нафарга тўғри келади. Шу боис сайловолди дастурида тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртиларида мақсадли қабул амалиётини кенг жорий қилишни янада такомиллаштириш, айниқса, умуммаллий шифокорларини талабдан келиб чиқиб тайёрлаш масаласини зудлик билан ҳал этишга алоҳида эътибор қаратганман.

Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда врачлар малакасини ошириш йўналиши қайта кўриб чиқилиши зарур.

— Аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш, сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини ошириш, бу борада улarga берилган имтиёزلарни сақлаб қолиш, кенгайтириш бўйича қандай тақдирларни илгари сураясиз?
— Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳолига бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами ва мақбул тиббий хизмат кўрсатилишини янада кенгайтириш ва унинг сифатини оширишни ўзининг муҳим йўналиши, деб ҳисоблайди. Шу мақсадда партияимизнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳлари орқали аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламини малакали тиббиёт-санитария ёрдами ва асосий тиббий хизматларни бепул кўрсатиш билан боғлиқ тегишли қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилиши устидан тизимли депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатилиши асосий вазифаси, деб билади.

Шуларни инобатга олган ҳолда, мен жисмоний имконияти чекланган, ҳисобда турадиган инсонларга рецепт асосида берилмайдиган дори воситалари билан боғлиқ муаммо бўлмаслиги тарафдориман. Шу орқали биз аҳолининг, айниқса, электротар вакиллари эртанги кунга бўлган ишончинини янада мустаҳкамлаймиз.

Шу билан бирга, дори воситалари сотилиши устидан давлатнинг қатъий назоратини ўрнатиш лозим.

Сайловолди дастурида яна бир долзарб масала — тиббиёт коллежларини битираётган ёшларни иш билан таъминлашга эътибор қаратилган. Фикримча, бунинг энг оддий ва самарали йўли — бу вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари эҳтиёжига қараб, ҳудудлар кесимида тиббиёт коллежларига ўқувчилар қабул қилиш зарур.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, аҳолининг, хусусан, ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларнинг қишлоқ врачлик пунктларида бўлган ишончи кундан-кунга ортиб бормоқда. Чунки бугун одамлар ҚВПларда даво топаёпти. Саломатликларини тиклаётди, малакали тиббий хизматдан фойдаланаёпти.

Президентимиз қарорига асосан соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ жойларда бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида қишлоқ врачлик пунктлари патронаж ҳамширалари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Патронаж ҳамшираларнинг асосий функционал вазифаси — аёллар ва болаларни уйига бориб кўриш, врач кўрсатмаларини бажариш, аҳолининг санитария-эпидемия бўйича хотиржамлигини таъминлаш, санитария-гигиена жиҳатидан тарбиялаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш тадбирларини ўтказиш ҳисобланади.

Патронаж ҳамширалар фаолиятининг сифати ва пировард натижалари профилактика эмлашлар, флорография текширишлар билан қамраб олиш, касалликка чалинишининг олдини олиш, болалар ва оналар ўлими ҳолатлари мавжуд эмаслиги билан баҳоланади.

Шу боис қишлоқ врачлик пунктларининг муҳим йўналиши ҳисобланган — патронаж ҳамширалар фаолиятини янада такомиллаштириш лозим. Чунки, улар ҳар бир оилага кириб, уларнинг саломатлигига масъул бўлади. Бу эса электротартиб мақбулларига тўла мос келади. Шу боис мазкур йўналиш бўйича илгор хориж тажрибасини татбиқ этган ҳолда, патронаж ҳамширалар малакасини ошириш, уларни мунтазам равишда рабатлантириб бориш зарур, деб ўйлайман.

— 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилинди. Бу аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш, кексалар, пенсионерлар манфаатларини таъминлашнинг ўзининг асо-

сий вазифаси ҳисоблайдиган Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастури мақсадларига ҳамоҳангдир.

— Бугунги кунда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фронти қатнашчиларининг рўйхати шакллантирилган бўлиб, улар саломатлиги доимий назоратга олинган. Ҳозирда вилоятда 248 нафар уруш, 9 мингга яқин меҳнат фронти қатнашчилари ҳаёт кечирмоқда. Улар бир йилда бир марта чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади. Санаторияларда саломатликларини тиклашади.

Бизда уларнинг саломатлигини доимий равишда назорат қилиш, тиббиёт муассасалари ва санаторияларда соғломлаштириш ишларини ташкил этиш бўйича ўзига хос тажриба тўпланган. Яъни, уруш ёки меҳнат фронти қатнашчиси истиқомат қилаётган ҳудуддаги тиббиёт муассасаси уларнинг саломатлигини доимий назорат қилади. Бу қандай тартибда амалга оширилади? Биринчи навбатда, тиббиёт муассасасида даволанган кишининг касаллик тарихидан кўчирмалар уч нусхада ёзилади. Бир нусхаси ўзи истиқомат қилаётган қишлоқ врачлик пункти ёки оилавий поликлиникага ўша кўниёқ юборилиб, ҳудуд шифокори унга таъинган ҳолда соғломлаштириш ишларини йил давомида олиб боради.

Ҳар бир кўп тармоқли марказий поликлиникаларда ижтимоий касалликлар билан ҳисобда турадиган беморларни ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш мақсадида режа ишлаб чиқилган. Унга асосан кўп тармоқли марказий поликлиникалар тор соҳа мутахассислари беморларни мунтазам назоратга олиб, ўз вақтида соғломлаштириш тадбирларини амалга ошироқда. Ана шу механизм асосида биз барча уруш ва меҳнат фронти фахрийлари соғлигини доимий назорат қиламиз.

Агар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлансам, ана шу масалаларни жорий қилишнинг ҳуқуқий меъёrlарини яратиб ҳаракат қиламан. Ўзбекистон Халқ демократик партияси электротартиб ҳисобланган ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд аҳоли қатламини ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга диққат-эътиборимни қаратаман.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами учун кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини ошириш, соҳада учраётган айрим муаммоларни ҳал этиш бўйича муҳим тақдирлар ўз ифодасини топади.

Хурматли сайловчилар! Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодларга овоз берсангиз, энг мақбул, энг ишончли йўлни танлаган бўласиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Нурати ОРИПОВ суҳбатлашди.

Сайлов — катта сиёсий воқеа, жараён. Бугун сайловчилар ҳам, сиёсий партиялардан депутатликка номзодлар ҳам жиддий синов арафасида турибди. Бу имтиҳондан қандай ўтиш эса аввало, ҳар биримизнинг фуқаро сифатида фаоллигимизга боғлиқ. Қолаверса, бу синовда сайловчиларга танлаш ҳуқуқи берилган. Номзодлар орасидан тафаккури юксак, салоҳиятли, айтаётган сўзининг устидан чиқадиغان, гоёларни ҳаётий бўлганларини танлаб, унга ўз овозимизни берсак, келажакимиз пойдеворини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшган бўламиз.

Сайловчига танлаш ҳуқуқи берилган



Катта тилшунос-адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоли Сиддиқжон Мўминовнинг 102-Қува сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзоди кўрсатиладигани эшитганча, очиги, жуда хурсанд бўлдим. Фарзандларимиз келажакда йўлда жонқурлик билан меҳнат қилаётган, бунга бутун салоҳиятини бағишлаган бу аҳойиб инсон ҳақида икки оғиз самимий гап айтиш истаги пайдо бўлди.

Яқинда депутатликка номзод билан сайловчиларнинг қизгин учрашувида мен ҳам иштирок этдим. Унинг сайловолди дастуридан сифатли таълим ва касбухона ўрганишининг барча учун тенг, адолатли ва ижтимоий жиҳатдан мақбул тизимини янада такомиллаштириш, бепул ва муайян имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган мактабга таълим дават муассасалари тармоғини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар ўрин олган. Бу эса малакали, етук, замонавий билимларни эгаллаган ёшларни вояга етказишга хизмат қилиши билан диққатга сазовордир. Номзод билан суҳбат чоғида унинг саволларга жавобларини эшитиб, ўз соҳасида билими етуқлигига яна бир бор амин бўлдим.

Агар чуқур мулоҳаза билан қаралса, депутатликка номзод ўз сайловолди дастурида жуда долзарб масалаларни кўтарган. Чунки таълим-тарбия мамлакат келажакини белгилловчи асосий омиллардан биридир.

— Сиддиқжон Мўминовнинг ёшлар тарбиясига қўшаётган ҳиссаси ҳақида узоқ гапирса бўлади, — дейди сайловчи Зухра Алиева. — Масалан, у 1990 йилда номзодлик, 2000 йилда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. Шу кунга қадар 10 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланма ва рисола, нуфузли илмий журнал ва тўпلامларда 100 га яқин илмий мақола ёзилган қилинган. 2013 йилда Вазирад Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан таъсис этилган грант танловида «Ижтимоий экология муаммолари» мавзусидаги лойиҳа билан қатнашиб, грант соҳиб бўлган. Унинг таълим соҳасини янада тарққий этиришга хизмат қилувчи ҳаётий тақдирларини жамоатчилик қўллаб-қувватлашга ишончим комил.

Депутат доимо одамлар ташвиши билан яшаш керак бўлади. Ўз ҳаловатидан воз кечиб, кўпчилик манфаатини ўйловчи, ҳаёт тажрибасига эга одамлар чин маънода депутат бўла олади. Сиддиқжон Мўминов айнан ана шундай инсон.

Ҳар бир сайловчи энг аввало қайси номзодни ёқласа, ўз тақдирини, бошқаларнинг ҳаёти эртага қандай бўлиши шу номзодга боғлиқлигини англаб этиши керак. Сайловчиларнинг юксак масъулияти энг муносиб одамларни танлашда намўён бўлади. Ишончим комилки, Сиддиқжон Мўминов Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланса, депутат сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатади, ҳаётий тақдирлар қонунларда акс этиши учун курашади ва бунинг уддасидан чиқа олади.

Охунжон ҲАКИМ,
Ўзбекистон халқ шоири,
ЎзХДП фаоли.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш демократик ислохотларнинг муҳим асоси

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловларига санокли қунар қолди. Ҳозирда мамлакатимиздаги бошқа партиялар каби Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларида муносиб қатнашиш учун ҳаракат қилмоқда. Сайловчилар, электротар вакиллари билан учрашувлар ўтказиш орқали партияимиз Сайловолди дастури, унда белгиланган масалаларни жамоатчиликка етказишга, уларнинг ҳаётини аҳамиятини очиб беришга эътибор берилмоқда.

Хусусан, партияимиз суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш юзасидан ўзининг устувор йўналишларини илгари суракмоқда. Сайловолди дастуридаги мувофиқ, ижтимоий келиб чиқилган қатъий назорат, ҳар бир инсонга фуқаролик ва умуминсоний ҳуқуқларини амалга ошириш имконини берувчи шароит яратиб қучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, партияимиз аҳолининг давлат ва жамият қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатлари, ҳаётини яхшилашга оид қонунлар ва бошқа қарорларни тайёрлаш ҳамда қабул қилиш жараёндарида ошқоралик таъминланганини қўллаб-қувватлайди. Ушбу масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ тақдирларга эгаимиз.

Аввало, ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқишда қонун меъёrlарининг бевоқиф таъсир этишига аҳамият бериш, яъни қонун ҳужжатлари имкон қадар ҳавола нормаларсиз қабул қилиниши керак.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва фуқароларнинг ижтимоий манфаатларига дахлдор бошқа масалаларга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойи-

ҳалари жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши мажбурийлигини белгилаш — муҳим масала. Бундай қонунлар қабул қилинишида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари эҳтиёжлари ўрганилиши, ижтимоий сўроғнома, мониторинг орқали таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ. Бу қонун ҳужжатларининг ҳаётини янада оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид жамоатчилик катта қизиқиш билдирадиган масалалар бўйича меъёрий ҳужжатлар қабул қилишдан аввал улар юзасидан жамоатчилик маслаҳатлашувлари ўтказилишини муҳим, деб биламиз. Партияимиз Сайловолди дастуридаги ушбу позициялар мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ келади.

Ўзбекистон ХДП келажакда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партиялараро рақобат механизмларини ривожлантиришни давом эттириш, парламентдаги рақобат муҳитини ўстириш, бу борадаги фаолият кафолатларини янада мустаҳкамлаш тарафдор.

Қонунларга тўлиқ амал қилиниши ҳамда ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан парламент назорати институтини кучайтириш, жумладан, парламент томонидан янги тайинланган ҳукумат фаолияти дастурини маъқуллашнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, Вазиirlар Маҳкамасининг ушбу дастур бажарилиши тўғрисидаги йиллик ҳисоботини Олий Мажлис томонидан эшитиш амалиётини жорий қилиш мамлакатимизда парламент ислохотларини чуқурлаштиришда долзарб аҳамият касб этади.

Ахборот-коммуникация технологияларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига кенг жорий этиш фуқароларнинг конституцион ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Шунинг учун аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг интерфаол давлат хизматлари ягона портали ва бошқа тегишли тармоқ ресурсларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш лозим. Хусусан, қонунлар ҳамда вилоят, туман ва шаҳар

ҳокимликларининг фуқаролар қонуний манфаатларига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари матни ҳамма учун очик бўлиши керак. Улар билан эмин-эркин танишиш имконини берадиган махсус шобҳочалар тармоғини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Партияимиз фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида даъво аризаларни киритилганда олинмайдиган давлат божни миқдорларини мақбуллаштиришни назарда тутувчи қонун меъёrlарини ишлаб чиқишни режалаштирган. Шунингдек, суд ва суд процесси иштирокчилари ўртасида ўзаро самарали алоқа ўрнатилишини, жумладан, суд ҳужжатлари ва хабарномаларини етказишнинг замонавий услубларини жорий этиш, шу орқали процессуал механизмларини янада такомиллаштириш устида иш олиб бориш кўзда тутилмоқда.

Суд ҳокимияти самарадорлигининг асосий мезонларидан бири — суд қарорларининг ижроси таъминланиши, деб ҳисоблаймиз. Суд қарорлари бажарилиши устидан судларнинг назоратини кучайтиришга қаратилган қонунчилик ташаббусларига эҳтиёж бор.

Бугунги кунда демократик ислохотлар изчил ва босқичма-босқич давом этмоқда ва ҳаётда ўз самараларини бермоқда. Шу муносабат билан одил судовни амалга ошириш заминини ташкил этувчи қонунларни янада такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча имкониятларни ўрганиш зарурати келиб чиқди. Зеро, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга ошириладиган ислохотлар, аввало, инсон шайни, кадр-қиммати, қонуний манфаатига хизмат қилар экан, демек, ушбу тизимга инсонпарварлик руҳини янада чуқур сингдириш зарур. Бу масала жамият ҳаётини демократлаштиришга, инсонпарварлик тамойилини юксалтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги, маънавий-мафкуравий ҳавфсизлиги қонунларнинг сифати, ҳаётининг боғлиқ. Қонун устуворлиги адолат кўрсати-



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

чидир. Шунинг учун ЎзХДП барча соҳаларда сифатли қонунлар қабул қилинишига эришиш, қонун устуворлигини таъминлаш масаласини асосий вазифалардан бири, деб қўймоқда.

Хулоса қилиб айтганда, партияимиз Сайловолди дастурида белгиланган гоёлар мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган инсонпарвар демократик ислохотлар бosh мақсадида мос келади. Сайловолди платформамизда фуқароларнинг ҳуқуқларини янада кафолатлаш мақсадида илгари сурилган тақдирлар ҳаётимизни тобора эркинлаштириш ва демократлаштиришга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун сайловчиларни Ўзбекистон Халқ демократик партияси гоёлари ва номзодларига овоз беришга чақирамиз.

Гулчехра ТЎЛАГАНОВА,
Тошкент давлат юридик университети
доценти, юридик фанлар доктори,
133-Қўча сайлов округидан Олий
Мажлис Қонунчилик палатаси депутат-
лигига номзод.

Сайловолди учрашувларида

Сайловчилар Ўзбекистон Халқ демократик партияси номзодларини қўллаб-қувватламоқда

БИЗ САЙЛОВЧИЛАР ИШОНЧИНИ ОҚЛАЙМИЗ!

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Қонунга кўра, депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқоти учун тенг шaroитлар яратиб берилмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, сайловчилар билан учрашувлар сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар томонидан мустақил равишда ўтказилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов ўтказувчи барча округларда ЎзХДП номзодларининг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда.

Одамлар билан юзма-юз мулоқотлар чоғида номзодлар ўз сайловолди дастурлари, партия дастури ва унда илгари сурилган мақсад ва гоғларнинг аҳамияти ҳақида фикр юритишмоқда.

— **86-Чирчиқ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига ЎзХДПдан кўрсатилган номзод Арофат Худойбердиевнинг** сайловчилар билан учрашувларида иштирок этдим, — дейди **Тўлғаной Усмонова**. — Номзоднинг сайловолди дастурида илгари сурилган таклифлар менга маъқул келди. Хусусан, унинг мактабга таълим, ўрта махсус таълим, олий таълим тизимида ўзаро алоқа ва ҳамкорликни кучайтириш борасидаги фикрлари кўпчиликка манзур бўлди. Чунки депутатликка номзод устувор вазифа сифатида белгиланган йўналишлар жамиятимизнинг ҳар бир соҳасида билим, ўз устида мунтазам ишлайдиган, машаққат ва синовлардан чўчимайдиган, танлаган соҳасини ривожлантириш йўлида тинимсиз изланадиган кадрлар тайёрлашда муҳим ўрин тутаяди, деб ўйлайман.

— **124-Оқтепа сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Дилфуза Исломованинг** сайловчилар билан учрашувларида ҳам сайловчилар томонидан шундай ижобий фикрлар билдирилди. Депутатликка номзод халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси сифатида қатор ижтимоий масалаларни ўрганиш ҳамда уларни доимий комиссиялар ва сессиялар муҳокамасига олиб чиқишда фаоллик кўрсатгани, депутат сифатида тажриба тўплагани алоҳида таъкидланди. Жорий йилдаги сайловларда унинг сайловолди дастуридан ўрин олган масалалар таълим сифати ва самарадорлигини янада оширишга қаратилгани билан аҳамиятли экани қайд этилди.



Фотурж. АЛМОВ олган сурат.

— Бошқа партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг учрашувларида ҳам иштирок этдим, — дейди сайловчи **Олтинбек Собиров**. — Менга энг маъқули ЎзХДП номзодларининг қиқилари бўлди. Ўзим таълим соҳасида фаолият юритаман. Шунинг учун ЎзХДПдан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг таълим соҳаси самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларини қўллаб-қувватлайман ва бу танловим мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси йўлидаги ислохотлар самарасини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишига ишонаман.

Қонунчилик палатаси депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган номзодларнинг сайловолди учрашувлари, мулоқотлари қандай ўтмоқда? Улар мазкур имкониятдан тўғри фойдаланишяптими? Сайловолди дастурлари, мақсад ва режаларини сайловчилар ҳукмига ҳавола этишда қандай услубларни қўллашмоқда?

— Самарқанд вилоятдан **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 14 нафар ЎзХДП номзодлари** кўрсатилган, — дейди **Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши раиси ўринбосари Бўрибой Бўронов**. — Шу кунларда уларнинг барчаси сайловолди учрашувларида фаол иштирок этишмоқда. Номзодлар сайловчилар билан мулоқот ва мунозараларда ўзларига бўлган ишончнинг тобора мустаҳкамламоқда.

— **57-Оқдарё сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзоди кўрсатилган, Оқдарё туманидаги «Меймор Алишер Кумушкент» хусусий корхонаси раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи Суннатилла Хўжамқулов** билан педаго-

гика коллежида ўтказилган учрашувда дастлаб унинг **ишончли вакили Раҳим Раҳматов** номзоднинг сайловолди дастури унинг ўзига хос томонларига тўхталди.

— Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш бугунги кунда энг муҳим масалалардан бири, — деди депутатликка номзод ўз сўзида. — Шундай экан, уларнинг мустақил равишда ўз фаолиятларини ташкил этишига, қолаверса, тенгдошларини учун иш ўринлари яратиб қўйишга бўлган интилишини қўллаб-қувватлашимиз, улар учун янада кенг шaroит яратиб беришимиз лозим. Бунинг учун имтиёзли микро-

ни амалга ошириш учун қурашаман.

Учрашувда сайловчи **Шухрат Толлиев** депутатликка номзод Суннатилла Хўжамқуловга шундай савол берди:

— Айрим коллеж ўқувчилари узоқдан қатнаб ўқишди. Уларнинг келиб-кейтиш харажатлари бор. Бунинг устига ҳамма қишлоқда ҳам автобус қатнови йўлга қўйилмаган. Сиз, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлангансиз, бу муаммони қандай ҳал этардингиз?

— Қайсидир бир соҳада муаммо борми, демек унинг ечимини ҳам бор. Мазкур масалани ҳал этиш учун эътибор керак. Менинг назаримда бу вазият ўз вақтида маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан ўрганилиши, сессиялар кун тартибига киритилиши керак эди. Бунда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ташкилотлари мутасаддилари фаолиятини танқидий қўриб чиқиш ҳамда уларнинг масъулиятини ошириш зарур.

Номзод билан учрашувлар Оқдарё туманидаги 11-умумтаълим мактабиде, хизмат кўрсатиш, агроиктисодийет касб-хунар коллежларида ҳам бўлиб ўтди. Сайловчилар номзодга ўзларини қизиқтирган саволлар билан муножаат этишди.

Сурхондарё вилояти **74-Денов сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Қахрамон Мирзаев** билан учрашув бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар номзоднинг сайловолди дастури, келгуси режалари билан яқиндан танишишди.

— Бу йил сайловда биринчи марта овоз бераман, — дейди **Шавкат Нуриллаев**. — Бугунги учрашувда депутатликка номзоднинг фикрлари, илгари сураётган таклифлари менга маъқул тушди.

— Миллий сайлов қонунчилигимизга бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди, — аскар **Акбарали Норов**. — Бу бизнинг сайлаш ҳуқуқимизни амалга оширишимизда муҳим аҳамиятга эга.

76-Узун сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчи-

лик палатасига Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган номзод Тоҳир Саидбобоев билан ташкил этилган учрашувда партия фаоллари ва электоратимиз вакиллари иштирок этди. Самимий ва ошқор руҳда ўтган тадбирда вилоят марказидан қарийб 200 километр олисда жойлашган туманда аҳоли, хусусан, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш борасида ечимини кутаётган масалалар борлиги таъкидланди.

— Биз фақат муносиб номзодларга овоз беришимиз керак, — дейди **ЎзХДП аъзоси Искандар Ташанов**. — Чунки биз сайлайдиган депутат эртага парламентда бизнинг номимиздан иш кўради. У жойлардаги муаммоли масалаларни чуқур билиши, уларни ҳал қилишда ташаббускор бўлиши керак. Мен партиямиздан кўрсатилган номзод Тоҳир Саидбобоевда шундай жиҳватни кўрдим. Бугун у билан яқиндан танишиб, режаларини билиб, сайловда ушбу номзодга овоз беришни мақсад қилдим.

— Депутат халқ дарди билан яшаши керак, — дея суҳбатга қўшилиди яна бир сайловчи **Тоҳир Уроқов**. — Худудларда янги иш ўринлари яратиш ҳамон долзарблигича қолмоқда. Шу билан бир қаторда коммунал тўловларда номутаносиблик кузатишмоқда. Гарчи тўғридан-тўғри ваколатга кирмасе-да, депутатлар шу масалаларга қонуний ечим топишда жонбозлик кўрсатиши керак, деб ўйлайман. Депутатликка номзодлар билан учрашганимда уларнинг қатъияти, талабчанлиги, билимига эътибор беришаман.

Учрашувларда сайловчилар худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бу борада илгари сурилайётган таклифларнинг аҳамияти тўғрисида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Фикр алмашувлар чоғида сайловчилар Халқ демократик партияси гоғларни ҳаётини ва эзгу гоғлар эканини таъкидлашди.

Лазиза ШЕРОВА, Абдурашул САТПОРОВ, Абдумалик ҲАЙДАРОВ. «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

XXI АСР — ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БОЙЛИК АСРИ

Фан-техника оламидаги янгиликлар, илмий изланишлар бугунги кунга келиб аёвсиз рақобат майдонини юзага келтиргани рост. Натижада мўъжизадек кўринган кашфиётлар оддий матоҳга айланди-қолди. Дунё олимларининг фикрича, илм-фан чархпалаги ҳар айланишида ҳайратомуз яратиқларни эскиликка айлантириб бораверади.

БУГУНГИ ИЗЛАНИШ — ЭРТАНГИ КАШФИЁТ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетиде бўлиб ўтган «Олий таълим тизимида илмий-тадқиқот фаолиятини самарали ташкил этиш ва натижавийлигини оширишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги Республика илмий анжумани юртимизда олиб борилаётган илм-фан тараққиётини амалий ишлар таҳлилига бағишланди. Унда тегишли кўмита, агентлик ва ташкилотлар вакиллари, пойтахтимиз ва вилоятлардаги олий ўқув юртли профессор-ўқитувчилари, ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Ботир Усмонов олий таълим муассасалари тизимида илмий тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш хусусида тўхталар экан, Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим ўрин тушини таъкидлаб ўтди.

Анжуманда Тошкент давлат техника университети ректори Равшан Сайдахмедовнинг университети олимлари томонидан олиб борилаётган изланишлар, фан, таълим ва ишлаб чиқаришдаги ютуқ ва камчиликлар борасидаги маърузаси кўпчиликка манзур бўлди.

Маълумки, Тошкент давлат техника университети таълим, фан ва ишлаб чиқариш соҳасида юртимизнинг етакчи олий ўқув юртлиридан биридир. Бу ерда мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутган қўллаб-қувватлаш илмий изланишлар олиб боришмоқда. Бугунги кунда бу даргоҳда етмишдан ортиқ илмий-тадқиқот лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Ушбу анжуман университети миқёсида эришилган юксак натижаларни эътироф этиш баробарида ҳали ўз ечимини топмаган айрим масалаларга ҳам тўхталди ўтилди. Таъкидландики, ушбу олий ўқув юрти энг нуфузли хорижий компанияларда ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Шунга қарамай, ушбу технологиялардан фойдаланиш даражаси кунгилдагидек эмас.

Анжуманда айни шу масала юзасидан алоҳида дарс соатлари ташкил қилиниши, замонавий технологиялар имкониятларидан чуқурроқ фойдаланиш мақсада мувофиқ эканлиги алоҳида қайд этилди.

Сўзга чиққанлар табиий ва техника фанлари йўналишидаги илмий тадқиқотлар, таълим, фан, ишлаб чиқариш соҳасида олиб борилаётган масалалар борасида баҳс юритишди. Маърузачилар тегишли шўбларга бўлиниб, мавзу юзасидан йиғилганларга батафсил маълумот беришди.

Бобур ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Қишлоқ врачлик пунктининг янги биноси

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида «Тошрабоб» қишлоқ врачлик пунктининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, шифо масканларининг моддий-техника базасини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида Навоий вилоятидаги ўн тўртта қишлоқ врачлик пунктида таъмирлаш ишлари амалга оширилган. «Тошрабоб» қишлоқ врачлик пункти янги биноси барпо этиш учун 930 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган.

Саломатлик масканида тўрт нафар шифокор, ўттиз нафар ҳамшира 7 минг 800 дан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади, — дейди муассаса мудири Эркин Эгамов. — Янги бинода яратилган замонавий шaroит нафақат аҳоли, балки биз, тиббиёт ходимларига ҳам катта қўлайлик яратяди. Ишимиз самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Тадбирда вилоят ҳокими Э.Турдимов сўзга чиқди.

Кексалари улугланган юрт

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2015 йилга мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб ном берилди

Мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, барча жабҳалардаги кенг қўламли ўзгаришлар замирида инсон ва унинг манфаатлари, оилаларимиз фаровонлиги, фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаг ўсишига эришишдек эзгу мақсадлар мужассам.

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2015 йилни мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиши ҳам инсон ва унинг ҳаётига бўлган ғамхўрлик ва эътиборнинг амалдаги намунаси сифатида юртимиз тарихи зарвақларида муҳрланиб қолиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган «Ўзбек модели» самаралари мамлакатимизда амалга оширилган улкан ўзгаришлар, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда.

Кучли ижтимоий сиёсат ана шу тараққиёт моделининг асосий йўналишларидан биридир. Ушбу тамойил асосида ўтган даврда мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар, кам таъминланганлари манзилли ижтимоий муҳофазалаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг

нинг уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш, уларни дори-дармонлар ва бошқа воситалар билан таъминлаш бўйича самарали ишлар қилинмоқда.

Бундай эзгу ишларни амалга ошириш учун ҳар йили катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий йўналишларда олиб борилган изчил соҳилотлар натижасида мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳоли ялпи даромадлари 8,7 баробар ўсди. Халқимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртача эса 75,8 ёшга етди.

Кексаларни эъзозлаш йилида бу борадаги ишлар қўлами янада кенгайтириш шубҳасиздир.

Булар халқимизнинг турмуш даражаси ва сифати тобора ортиб бораётганидан, ёши улуг одамларимиз яхши ниёт, эртанги кунимизга катта умид билан яшаётганидан, уларнинг қалби софлигидан далолатдир.

Мамлакатимизда пиру бадавлат отахон ва онахонларимизни қадрлаш, уларга ажратилаётган пенсиялар ҳажмини муттасили ошириш бориш доимий эътиборда бўлиб келаётди.

Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш йўлидаги эзгу ва



Фотух АЛИЕВ олган сурат.

савобли ишларнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Фармонга биноан 2015 йилдан бошлаб 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари йилига бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул соғломлаштирилади.

Президентимиз Конституция байрамидаги маърузасида ҳар қандай жамиятнинг ёши улуг одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилашни, содда қилиб айтганда, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш

маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланганини алоҳида таъкидлади.

Таъкидлаш жоизки, ҳар йили 9 май — Хотира ва қадрлар кунини арафасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг рағбатлантирилиши улар учун нафақат моддий, балки катта маънавий-руҳий мадад бўлаётди. Нурунийларимизнинг бундай эътибор ва ғамхўрликка, буқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул соғломлаштирилади.

— Юртбошимизнинг Конституция байрамидаги маърузасини телевизор орқали кўриб, шундай юрт фуқароси бўлганимдан гурурланиб кетдим, — дейди пойтахтимизнинг Олмазор тумани Бегурий номидаги маҳаллада яшовчи

Абдурахмон Абдурахимов. — 2015 йил Кексаларни эъзозлаш йили, деб аталишини эшитиб юрагим ҳаприқиб кетди. Қайси мамлакатда кексалар шунчалар иззат-икромда? Топиш қийин. Буларнинг бари кўнглимни тоғдек кўтариб юборди, ўзимни яшаргандек, куч-қувватга тўлгандек ҳис қилдим. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисиман. Ёшим 91 да. Худого шукр, фарзандларим, невра-чевараларимнинг ҳаммасидан кўнглим тўқ. Элу юртимизга тинчлик-омонлик, Юртбошимизга узоқ умр тилаб, дуодаман.

Ҳа, фахрийларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, оғирини енгил қилиш, қадрлаш ва эъзозлаш ҳар биримизнинг инсоний, фарзандлик бурчимиз.

Матназар ЭЛМУРОДОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

РЕКЛАМА

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ 2015 йил 15 январь кунини бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидеги очик аукцион савдоларини ўтказиши.

Аукцион савдоларига Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Гулзоробод кўчаси, 37-уйда жойлашган «Toshkent gidromexanizatsiya qurilish boshqarmasi» МЧЖ балансидаги 1993 й. и/ч, д/р 10/958VAA, бошланғич нархи 3 227 600 сўм бўлган «ГАЗ-31029», 1995 й. и/ч, д/р 10/959VAA, бошланғич нархи 3 785 700 сўм бўлган «ГАЗ-31029», 1986 й. и/ч, д/р 10/947VAA, бошланғич нархи 4 545 000 сўм бўлган «ИЖ-2715», 1983 й. и/ч, д/р 10/956VAA, бошланғич нархи 4 574 500 сўм бўлган «УАЗ-469Б», 1982 й. и/ч, д/р 10/957VAA, бошланғич нархи 4 574 500 сўм бўлган «УАЗ-469Б/УКБ12/25С», 1991 й. и/ч, д/р 10/945VAA, бошланғич нархи 8 337 200 сўм бўлган «УАЗ-3303», 1989 й. и/ч, д/р 10/952VAA, бошланғич нархи 8 204 500 сўм бўлган «ГАЗ-5327», 1989 й. и/ч, д/р 10/954VAA, бошланғич нархи 18 107 400 сўм бўлган «КАМАЗ-5410», 1990 й. и/ч, д/р 10/955VAA, бошланғич нархи 7 690 300 сўм бўлган «ГАЗ-3307 русумли автомобил-транспорт воситалари ва 1984 й. и/ч, д/р 10/3898AA, бошланғич нархи 7 699 400 сўм бўлган «ОДАЗ-9370» русумли яримтиркама қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич

нархнинг камида 20 фоизи миқдоридики закатал пули «Toshkent universal auctions savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо қолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закатал пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспортлар ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00да бошланади ва қўйидаги манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома № 005357

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2014 йил 13 ноябрь ва 4 декабрь кунлари ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ишлар бошқармаси транспорт бўлими балансидаги д/р 01/045PPP бўлган «ГАЗ-3102311» — 5 200 000 сўмга; д/р 01/053PPP бўлган «ГАЗ-3102311» — 13 000 000 сўмга; д/р 01/067PPP бўлган «ГАЗ-3102» — 5 200 000 сўмга; д/р 01/073PPP бўлган «ГАЗ-3102» — 11 000 000 сўмга; д/р 01/081PPP бўлган «ГАЗ-3102311» — 12 000 000 сўмга; д/р 01/082PPP бўлган «ГАЗ-3102» — 5 200 000 сўмга; д/р 01/

086PPP бўлган «ГАЗ-3102-311» — 5 500 000 сўмга; д/р 01/137PPP бўлган «ГАЗ-3102311» — 5 500 000 сўмга; д/р 01/077PPP бўлган «ГАЗ-3102» — 6 500 000 сўмга; «O'zbekiston respublikasi moliya vazirligi axborot-hisoblash markazi» ДУК балансидаги д/р 01/757DAA бўлган «Nexia ДОНС» — 27 600 000 сўмга; Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси балансидаги д/р 01/947QAA бўлган «ДЭУ ЛЕГАНЗА» — 18 100 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома № 005337

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ куйидаги ишлаб чиқариш комплексларини сотиб олишни таклиф қилади:

Паррандачилик йўналиши бўйича:

Фаргона вилояти, Кувасой шаҳрида жойлашган «**Quvasoy Naslli Parranda**» МЧЖнинг 100 фоиз улуши савдога чиқарилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 13 092 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 30 декабрь соат 10:00да бўлиб ўтади. Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2014 йил 29 декабрь соат 17:00гача қабул қилинади.

Мазкур улуш 2014 йил 30 декабрь кунини аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2015 йил 15 ва 30 январь кунлари соат 10:00да бўлиб ўтади. Такрорий савдоларда қатнашиш учун аризалар савдо кунидан бир кун олдин соат 18:00гача қабул қилинади.

Мева-сабзавотларни қайта ишлаш бўйича:

Фаргона вилояти, Учкўприк тумани, Ҳамид Олимжон кўчасида жойлашган «**Valley Mountain's Fresh**» МЧЖнинг 100 фоиз улуши савдога чиқарилмоқда.

Мазкур аукцион савдолари шартлари ва бошқа маълумотлар юзасидан «Ипотека-банк» Бош офисига мурожаат этиш мумкин. Телефон: (371) 150-89-30, 150-89-31.



Бошланғич баҳоси — 7 557 000 000 сўм

Савдолар 2014 йил 1 декабрдан 27 декабрга қадар ҳар кун соат 10:00да бўлиб ўтади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун аризалар савдо кунидан бир кун олдин соат 17:00гача қабул қилинади.

Текстиль саноати йўналиши бўйича:

Хоразм вилояти, Шовот тумани, Гулзор кўчасида жойлашган «**Katqal'atex**» МЧЖнинг 100 фоиз улуши савдога чиқарилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 9 523 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 24 декабрь кунини соат 10:00да бўлиб ўтади. Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2014 йил 23 декабрь соат 17:00гача қабул қилинади.

Мазкур улуш 2014 йил 24 декабрь кунини аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2014 йил 26,29,31 декабрь кунлари соат 10:00да бўлиб ўтади. Такрорий савдоларда қатнашиш учун аризалар савдо кунидан бир кун олдин соат 17:00гача қабул қилинади.

Хизматлар лицензияланган.

СПОРТ

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осиё чемпионолар лигаси янги мавсум учрашувларига қуръа ташланди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИДА

мамлакатимиз шарафини тўртта жамоа ҳимоя қилади

Клублар ўртасидаги қитъамизнинг энг нуфузли мазкур мусобақасида мамлакатимизнинг бир йўла тўртта жамоаси иштирок этади. Осиё футбол конфедерацияси қарорига кўра, «Пахтакор», «Локомотив» ҳамда «Наср» футбол клублари тўғридан-тўғри гуруҳ баҳсларида қатнаша, «Бунёдкор» футболчилари «плей-офф» босқичидан мусобақага қўшилади.

Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — «Пахтакор» жамоаси «В» гуруҳида Саудия Арабистонининг «Аш-Шабаб», Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Ахли» футболчилари ва «плей-офф» босқичи голбилларидан бирига қарши тўп сурайдиган бўлди.

Ўз тарихида илк мартаба Ўзбекистон кубог билан тақдирланган «Локомотив» вакиллари эса «С» гуруҳида Саудия Арабистонининг «Аш-Шабаб», Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Ахли» футболчилари ва «плей-офф» босқичи голбилларидан бирига қарши майдонга тушадилар.

Ўзбекистон XXIII миллий чемпионати бронза медали совриндори «Наср» аъзолари «Д» гуруҳида «Ал-Ахли» (Бирлашган Араб Амирликлари), «Трактор Сози» (Эрон) ва «плей-офф» босқичи голбилларидан бири билан кун сунашади.

Осиё чемпионлар лигаси «плей-офф» баҳслари уч босқичда ўтказилади. Илк учрашувлар 2015 йилнинг 4 февралда уюштирилса, иккинчи ҳамда учинчи босқич уйлари 10 ва 17 февраль кунлари бўлиб ўтади.

Қуръага кўра, «Бунёдкор» жамоаси «плей-офф»нинг учинчи босқичида Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Жалир» футболчилари билан ўйнайди. Учрашув 17 февралда Тошкентда бўлиб ўтади. Агар мазкур учрашувда бунёдкорчилар ғалаба қозонишса, Осиё чемпионлар лигаси «А» гуруҳига йўланма олади. Ушбу гуруҳда ҳамюртларимизга «Ал-Наср» (Саудия Арабистони), «Лаввия» (Қатар), «Персеполис» (Эрон) жамоалари рақиб бўлади.

Эслатиб ўтамиз, тақвимга кўра, гуруҳ баҳсларининг дастлабки тур уйлари 2015 йилнинг 24 ва 25 февраль кунлари ўтказилади.

Самандар БОБОРАЖАБОВ, ЎЗДЖТУ талабаси.

ОБ-ҲАВО	13-14.12 — 2014
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
-7 / -12	+2 / +7
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
-3 / -8	+3 / +8
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
-3 / -8	+2 / +7
Қашқадарь ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
-1 / -6	+5 / +10
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
-3 / -8	+2 / +7
Тошкент шаҳри	
-4 / -6	+4 / +6
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+4 / +9
Париж	+8 / +6
Москва	+1 / +1
Мадрид	+11 / +9
Пекин	+3 / +3
Канберра	+24 / +28
Рим	+16 / +17
Афина	+15 / +17
Токио	+12 / +10
Стокгольм	+3 / +1
Кейптаун	+22 / +20
Қоҳира	+21 / +22
Гавана	+22 / +12
Вашингтон	+8 / +11

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Musliliddin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1259 13 138 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 21.45 Topshirilgan vaqti — 01.40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV

